2010-yil 27-fevral № 26 (2751) shanba

# Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

**2010 йилда маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 40 фоизга ўсиши, шу борада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг улуши эса камида 12 фоизни ташкил қилиши лозим.**

*Ислом КАРИМОВ*

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

# МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ИШЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Монополияга қарши ишларни тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табиий монополиялар корхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ишларини фаоллаштириш мақсадида:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг асосий вазифалари ҳамда фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

монополияга қарши самарали сиёсатни амалга ошириш, монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисидаги ва табиий монополиялар ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш;

республикада рақобат муҳитини ривожлантириш, товарлар (хизматлар, ишлар) бозорларида, биринчи навбатда ички истеъмол бозорида ва реклама соҳасида ноинсоф рақобатга чек қўйиш, маҳаллий давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик учун ҳуқуқий майдонни янада такомиллаштириш, жамоат тузилмалари билан чамбарчас мувофиқлаштирилган ҳолда истеъмолчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати ва рақобатбардошлигини чуқур таҳлил қилиш, хўжалик юритувчи субъектларни таркибий ўзгартириш ва уларнинг банкротлиги соҳасидаги функцияларни амалга ошириш, таркибий ўзгартириш, санация ва банкротлик масалаларини кўриб чиқишда давлат манфаатларини ифодалаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

ўз ваколатлари доирасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, хўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига монополияга қарши қонун ҳужжатлари, табиий монополиялар ҳақидаги, банкротлик тўғрисидаги, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларини тўхтатиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш ҳамда берилган ёзма кўрсатмаларнинг бажарилишини назорат қилиш;

даъво ва ариза билан судга мурожаат қилиш, шунингдек, монополияга қарши қонун ҳужжатлари, табиий монополиялар, банкротлик, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланиши ва бузилиши билан боғлиқ ишларни судда кўриб чиқишда қатнашиш;

хўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда ва тартибда жарималар солиш;

истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқлари камситилганлиги тўғрисидаги ариза ва шикоятлари юзасидан корхоналар ва ташкилотларни (уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятидан ташқари) Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика кенгаши билан келишган ҳолда текшириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлик субъектларининг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин ва унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестициялар ва кредит ресурсларини кенг жалб этишда кўмаклашиш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, кичик корхоналар томонидан ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошли бўлган маҳсулотларнинг янги турлари ишлаб чиқарилишини ўзлаштиришда ҳамда уларни жаҳон ва минтақа бозорларига киритишда кўмаклашиш;

уюшма таркибига кирадиган корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари учун кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари тақдим этиладиган даъволар юзасидан судларда кўриладиган ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги 2005 йил 30 апрелдаги ПФ-3602-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 26 феврал

# Ўзбек пойабзали: имконият ва истиқболлар




## «Инқирозга қарши чоралар» дастури — амалда

# Иш ўринлари кўпаймоқда

***Корхонамизнинг «Ўзсаламан» белгиси билан ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ҳамдўстлик мамлакатлари ҳамда ўзимизнинг ички бозорлардан мустаҳкам ўрин олган. Давлат тизимидаги ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг асосий пойабзал таъминотчисига айланганимиз ҳам бор гап. «Ўзсаламан» йилига 500 минг жуфт оёқ кийими ишлаб чиқариш қувватига эга. Иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, 550 дан ортиқ киши шу ердан оила тебратаётир.***

Ўтган йиллар мобайнида корхона айланма маблағининг кескин камайиши, албатта, юксалишга салбий таъсир кўрсатди. Муаммони бартараф этиш учун корхона бошқаруви вилоят ҳокимлиги орқали Вазирлар Маҳкамасининг «Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш» бўйича Республика комиссиясига мурожаат қилиб, бюджет ва бюджетдан ташқари Давлат мақсадли жамғармалари олдидаги боқиманда қарзларни 12 ой муддатга кечиктиришга эришди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан, талай корхоналар қаторида бизга ҳам имтиёз берилди. Ҳозирги кунда ундан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ортиқча сарф-харажатлар таннархини 20 фоизгача камайтириш бўйича саъй-ҳаракатлар давом эттирилаяпти. Жумладан, тадбирлар режасида хом ашёдан, технологик ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиб, ускуналарни жаҳон стандартларига мос келадиган равишда қайта жиҳозлаш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини 20,3 фоизга камайтириш борасида изчил фаолият юритилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, пресс-форма олиш учун Германияга буюртма берилди. Шу йилнинг сентябр ойида арзон ва сифатли пойабзаллар ишлаб чиқарила бошланади. Янги маҳсулотларга харидор йирик идора ва ташкилотлар билан қарийб 3 млрд. сўмликдан зиёд маҳсулотлар етказиб бериш учун шартномалар имзоланган.

**(Давоми 2-бетда)**

**Касаба уюшмаси тадбири**

# Соғлом авлод камоли учун

***Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Баркамол авлод йилига бағишланган анжумани ўтказилди. ЎзКУФК Ўқув марказида бўлиб ўтган ушбу тадбирда асосий эътибор Президентимизнинг 2009 йил якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар юзасидан тармоқ касаба уюшмалари амалга ошираётган ишларга қаратилди.***

Кун тартибидаги асосий масала юзасидан сўзга чиққан ЎзКУФК раисининг ўринбосари, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Озода Муҳитдинова 2010 йилда тармоқ касаба уюшмалари олдида турган вазифаларга алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деди:

— Президентимизнинг маърузасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар таҳлил қилиб берилди. Шу билан бирга, Баркамол авлод йилида фарзандларимизни нафақат жисмоний ва маънавий, балки замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, XXI аср талабларига жавоб берадиган баркамол авлод қилиб вояга етказишдек масъулият зиммамизга юкланди. Бу, айни вақтда ҳар бир инсон саломатлиги ва дунёга келажак фарзандлар соғлиғига эътиборлироқ бўлишга ундайди. 1998 йили Президентимиз фармони билан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг миллий моделини босқичма-босқич шакллантиришга қаратилган давлат дастури қабул қилиниб, 2007 йилдан соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичига тамал тоши қўйилди. Ўтган даврда соғлиқни сақлашнинг замонавий ташкилий тузилмасини шакллантириш, ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғини янада ривожлантириш, янги марказлар ташкил этиш, диагностика хизмати тармоғини кенгайтириш, оналар ва болалар соғлиғини сақлаш борасида жуда катта ишлар қилинди. Бунда тармоқ касаба уюшмаларининг ҳам хизмати борлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Айни кунларда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши тасарруфида 700 мингдан зиёд аъзо бўлиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини касаба уюшмаси ўз назоратига олган.



Музокарада сўзга чиққан Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Марат Ҳожибеков, Республика маънавият-тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи Иброҳим Абдуғаниев, Репродуктив саломатлик маркази директорининг муовини Феруза Раҳматуллаева, Тошкент тиббиёт академияси проректори Шерзод Зокирхўжаев, Тошкент фармацевтика институти маънавият-маърифат ишлари бўйича проректори Азиз Нурмуҳаммедов, Республика тиббиёт коллежи талабаси Ғайрат Набиев тиббиётдаги ислоҳотлар самараси, соғлом она — соғлом бола тизимини шакллантиришда репродуктив саломатликнинг аҳамияти, ёшлар тарбиясида маънавиятнинг ўрни, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича шифокорлар олдида турган долзарб масалаларга эътибор қаратишди.

Шунингдек, анжуманда Марказий кенгашнинг бу йилги стипендиатлари эълон қилиниб, уларга сертификат ва эсдалик совғалари топширилди. Ўқишда ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган талабалар, касаба уюшмаси етакчилари ва фаоллари ҳам тақдирланди.

Тадбир сўнгида тармоқ касаба уюшмаси фаолларининг маданий-маърифий дастури ҳам ташкил этилди.

**Марғуба Усмонова, Тошкент педиатрия институти 2-босқич талабаси, Марказий кенгаш стипендиати:**

— Президентимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги аъло ўқиш ва етук мутахассис бўлиб, халқимизга хизмат қилишга ундамоқда. Айниқса, 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши бизни руҳлантириб юборди. Институтимизда 3593 нафар талаба таҳсил олади. Улар учун яхши шароит яратилган. Биздан талаб қилинаётгани ана шу имкониятдан оқилона фойдаланишдир.

Талабаларнинг барчаси касаба уюшмасига аъзо. Талабалар касаба уюшма қўмитасининг раиси Б.Эшдавлатов ҳар биримизга меҳрибон. Институтимизда Президент ва Ибн Сино стипендиаси совриндорлари, 8 нафар атоқли олимлар номидаги стипендиатлар бор. Улар сафига қўшилганимдан мамнунман.

**Ўз мухбиримиз Икром ҲАСАНОВ**
**олган сурат**

Ishonch
2010-yil 27-fevral №26 (2751)

# Ўзбек пойабзали:





Ҳисобот-сайлов йиғилишлари

## Ёшлар ва аёллар фаоллиги ортмоқда

***Таълим ва фан ходимлари Чироқчи туман бирлашган касаба уюшма қўмитасининг бошланғич ташкилотларида ҳаёт қайнамоқда. Бугунги кунга қадар 100 дан зиёд ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди.***

— Шуниси эътиборлики, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислигига сайланганларнинг 58 нафарини аёллар, 27 нафарини ёшлар ташкил этади. Бу эса жамиятимизда аёллар ва ёшлар фаоллиги ортиб бораётганлигидан дарак беради, — деди туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Абдураим Ҳайдовалиев.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Раис қайта сайланди

***Яқинда «Фарғона иссиқлик электр маркази» ОАЖ касаба уюшма қўмитасида ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят вакили С.Мўминова иштирок этди.***

982 нафар аъзони ўз сафида бирлаштирган акционерлик жамияти касаба уюшма қўмитасида жамоа шартномаси орқали ишчи-ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилиб, 2596 нафар ходим санаторийларда бепул соғломлаштирилди. Оромгоҳларда 100 нафар болаларни соғломлаштиришга эришилди. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ногиронлар, Мурувват ва Саховат уйларига, ҳарбий қисмларга кўмак берилди.

Ҳисобот даври мобайнида 170 нафар киши иш билан таъминланди. Ўз билим ва касбий малакаларини ошириш истагида бўлган 230 нафар ходим қайта ўқитилди.

Мажлисда ҳисобот даврида олиб борилган ишлар қониқарли, деб топилиб, касаба уюшма қўмитаси раиси Иброҳим Мамасиддиқовга яна ишонч билдирилди.

**З. ХОЖИЕВА,**
**тармоқ касаба уюшма Марказий кенгашининг Фарғона вилоят вакиллиги мутахассиси**



Чилонзор туманидаги 202-мактабда бошланғич касаба уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда касаба уюшма етакчиси Ҳожинисо Қурбонова бажарилган ишлар билан бирга, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида йиғилганларга маълумот берди.

Касаба уюшма ташкилоти фаолияти қониқарли деб баҳоланди.

**Икром ҲАСАНОВ олган сурат**

## Назоратда гап кўп

***500 дан зиёд аъзони ўз сафига бирлаштирган «Ғалла Алтек» очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.***

Ҳисобот даврида олиб борилган ишлар юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилиб, бир қанча таклифлар конференция делегатлари эътиборига ҳавола этилди.

— Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномаси ижросини таъминлаш ҳар бир бошланғич ташкилот фаолиятининг асосини ташкил этади, — деди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Ш.Қушоқов.

Қизғин мунозаралардан сўнг касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб баҳоланди.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## Талабчанлик сусаймайди

***Инсонга аслида нима керак? Ишонч, атрофдагиларнинг қўллаб-қувватлаши. Нуробод тумани таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган 85 та бошланғич касаба уюшма ташкилотларига ана шундай фидойи раислар сайлаб олинди.***

Касаба уюшма қўмитасининг аъзолигига сайланган 361 нафар фуқаронинг 159 нафарини хотин-қизлар, 59 нафарини эса ўттиз ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. 153 нафари таркибга янгитдан сайланди.

Аъзолар кўнглига йўл топиш, ишда муайян бурилишлар бўлиши кўп жиҳатдан етакчиларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам меҳнат жамоалари ишончига сазовор бўлганлар жамоат ишига астойдил киришишни дилларига тугиб қўйишган.

**Салима АБИЛОВА,**
**таълим ва фан ходимлари Нуробод туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**

## Ҳисоботдан қаноатланишди

***Тармоғимиз таркибида 88 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти бор. Аъзоларимиз сони эса 3934 нафарни ташкил этади.***

Кўпчилик олдида ҳисоб беришнинг ўзи бўлмайди. Қуйи ташкилотимиз етакчилари бу жараёнга қизғин ҳозирлик кўришганлигини таъкидлаб ўтиш керак.

Туманимиздаги 1-умумтаълим мактабидаги юзма-юз учрашувда етакчи ҳисоботи жамоа аъзолари томонидан етарлича муҳокама этилди. Ўтган 5 йиллик фаолият теран таҳлил этилди ва қилинган ишлар баҳоланди. 54 нафар касаба уюшма аъзосига эга жамоа ўзларига Норжигит Исроиловни ҳеч иккиланмай етакчи этиб сайлашди.

Зайниддин Арабов ҳам жамоадошларининг чиғириғидан ўтди. 8-умумтаълим мактаби муаллимлари касаба уюшманинг саъй-ҳаракатини эътироф этишди. Камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланиб, раисга яна ишонч билдирилди.

**Бахтиёр ВАЛИЕВ,**
**таълим ва фан ходимлари Иштихон туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**

◇«Инқирозга қарши чоралар» дастури — амалда◇

## Иш ўринлари кўпаймоқда

(Боши 1-бетда)

Иш сифатини янада яхшилаш учун корхона таъсисчилари томонидан хом ашё ва материаллар сотиб олишга инвестиция киритиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш назарда тутилмоқда.

Шу кунларда Қозоғистоннинг Қарағанда шаҳридаги «Багира» савдо бирлашмаси билан 12 минг жуфт пойабзал етказиб бериш хусусида музокара давом этаётир. Ўйлаймизки, натижа чакки бўлмайди. Корхонамиз қошида Вьетнам давлати билан ҳамкорликда красовкалар (спортчилар махсус пойабзали) ишлаб чиқаришга ихтисослашадиган қўшма корхона ташкил этиш режаси тузилаяпти. Агар у амалга ошса, яна 100 нафар косиб ишли бўлади.

Корхонада бошланғич касаба уюшма ташкилоти кўпчиликнинг ишончини оқламоқда. Мавжуд жамоа шартномасида уларниг ҳақ-ҳуқуқлари тўла кафолатланган. Меҳнат муҳофазасига қатъий эътибор берилаётир. Иш жойлари қулай ва соз. Дам олиш соатлари кўнгилли ўтаяпти. Соғлом танда — соғ ақл деганларидек, саломатлик бўлса иш ҳам, қувонч ҳам татийди. Ўтган йилда меҳнат аҳлининг «Рапқон», «Чимён», «Қизилтепа», «Шаҳанд», «Чортоқ» ва шу каби санаторийларда даволаниб, ҳамда гаштли ҳордиқ чиқаришлари учун 132 та йўлланма тарқатилди.

Бир сўз билан айтганда, бу ерда ишлаш заҳматга эмас, балки роҳатга айланиб бораётир.

**Қодиржон СОДИҚОВ,**
**«Ўзсаламан» Ўзбекистон—Германия қўшма корхонаси бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси**

Тадбиркор ва замон

## Иш билганга... минг танга

***Бозор иқтисоди шароити ҳар бир тадбиркордан омилкорлик билан иш юритишни талаб этади. Айниқса, кучли рақобат бор жойда тезкорлик билан ҳаракат қилиш, янги-янги ғоялар, замонавий ишлаб чиқариш технологияларини соҳага жалб этиш, сармоядорлар билан ҳамкорлик юзасидан ички ва ташқи бозорни мунтазам ўрганиб, таҳлил қилиб бориш лозим. Шундагина бу борада юксак марраларга эришиш мумкин.***

Шаҳрихонлик Ҳамиджон Якубов ишнинг кўзини биладиган тадбиркордир. У ташландиқ ҳолга келиб қолган қурилиш ташкилотини сотиб олиб, кичик корхонага асос солди ва турли оёқ кийимлари ишлаб чиқара бошлади. Бу борада унга хитойлик ҳамкорларнинг ёрдами катта бўлди. 2008 йилда улар тиккан енгил пойабзаллар ва ёзги елим шиппакларга талаб кучайди.

Ҳозир бу ерда 28 нафар киши самарали меҳнат қилаяпти. Изланишдан толмаган Ҳамиджон ака-укалари билан баҳамжиҳатликда қишки этик, ботинка ва туфлилар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Ўтган йил 129863,6 минг сўмлик 201,3 минг жуфтдан зиёд оёқ кийимлари савдо мажмуалари, чакана ва улгуржи савдо қилувчи корхоналарга шартнома асосида етказиб берилди.

— Асосий мақсадимиз ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, сифатли маҳсулотларимиз билан харидор кўнглига йўл топиш, — дейди Ҳ. Якубов. — Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

◇Мулоҳаза◇

## Амиркон пойабзаллар қаерда?

***Уйдан гулдор, амиркон этик ва маҳси-калиш (калош эмас) келтириш юзасидан топшириқ олдим. Жиянимиз уйланаётган экан, бизнинг зиммамизга тўй сепининг келинчакка тегишли шу камчилигини бутлаш юзасидан «солиқ» тушибди. Зеро, водийда шуларсиз сеп бут ҳисобланмайди. Подшо амри вожиб дея шаҳар бозорларини ҳарчанд айланмайин, қани энди бу матоҳ топилса!***

— Олдинлари хом ашёси ўзимизда ҳам тайёрланар эди, кейинги пайтларда шу соҳага эътибор сустлашганиданми, фақат Андижондан келтириладиган бўлиб қолди. Наманган бозорларида у тўтиёга айланган, — дейишди бозордагилар.

Ана холос! Энди келинчакнинг битта этикчаси, деб салкам 100 чақирим йўл босиб, қўшни вилоятга боришим қолдими. Ўйлай-ўйлай, ниҳоят танишим уста Маҳмуд акага учрадим.

— Домлажон, бу матоҳ анқонинг уруғи,— деди қадрдоним соқолини силаб. — Сиздан бошқалар ҳам шу ҳақда сўрашган, бир-икки минг сўм пулнинг ва 3-4 соат вақтнинг баҳридан ўтиб, Андижонга ўтиб келишни маслаҳат бердим.

Шунда ўтган ҳафтадаги набирамга қишлик пойабзал олиш машмашаси эсимга тушди. Ўшанда ҳам анча оворагарчилик бўлган эди. Эмиш, эмиш қиш қийинчиликлари боис Андижондан пойабзал келтириш анча мураккаблашганмиш...

Ажабо, Намангандек атлас, Чуст дўппилари, пичоғу минг турли кийим-кечак ва тақинчоқлар тайёрланадиган шаҳарда шугина тикилмаса-я! Қани ўша ойнадек ялтираган амиркон этиклар-у, гулдор маҳсилар? Агар янглишмасам, бундан 15-20 йил илгари бундай матоҳларни олиш учун қўшни вилоятдан Наманганга тушиб туришарди-ку.

Бугун эса бунинг акси...

Наманган пойабзал фабрикаси Жўрахон Воҳидов (раҳбар), Аҳмаджон Отахонов (бош муҳандис) ишлашган йилларда бу ерда тайёрланган маҳсулот қўшни вилоятлар у ёқда турсин, республика пойтахти савдо тармоқларида ҳам сотиларди.

Эндиликда шаҳарда биттагина саноат корхонасини очишнинг ёки хориждаги сармоядорлар билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этишнинг наҳотки иложи бўлмаса? Бизнингча, бунинг учун вилоятда барча шарт-шароит мавжуд. Косонсой туманида терини қайта ишлаб, чарм кийимликлар учун тайёрлаб берадиган қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Унинг маҳсулотидан фойдаланиш ёки тегишли жойлардан олинган хом ашё тайёрлашни йўлга қўйиш мумкин-ку. Бизнингча, мутахассис соҳасида муаммо йўқ. Касодга учраб ёпилган олдинги корхонанинг ишчи-ходимлари тирикчилик важидан турмуш кечиришнинг бошқа йўлларига ўзларини уриб кетишган ва ушбу йўналишда имконият пайдо бўлгач, «жон-жон» деб асл ҳунарларига қайтишади.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

◇Бизнинг интервю◇

## Истиқболимиз

Танишим бир йилда учта пойабзал сотиб олгани ҳақида ҳасрат қилди. Кўриниши зўр, нархи арзон, аммо сифатсиз. Ёғин-сочин кунлари кийиб чиқасиз, қайтганингизда оёқдан нам ўтган бўлади.

**— Арзоннинг шўрваси татимас, деганлар. Дўкондан қимматроғини олсангиз бўлмайдими?**

— Хорижий асил моллар сотиладиган дўконлардаги пойабзалларга отасининг баҳосини қўйишган. Ундан кўра, Қўқон бозордан маҳси-калиш олиб кийганим яхши...

Дарҳақиқат, унинг гапларида жон бор. Нега шундай? Нима учун пойабзал ишлаб чиқариш саноати оқсаяпти? Саволимизга жавоб олиш мақсадида «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси раисининг ўринбосари Шариф Шералиевга мурожаат қилдик.

— Президентимизнинг 2000 йил 23 февралдаги «Республика иқтисодиётининг чарм пойабзал тармоғи бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳақида»ги фармонига мувофиқ, уюшма «Ўзбек енгилсаноат» давлат уюшмаси таркибидан мустақил тармоқ сифатида ажралиб чиқди. Пойабзал, чарм маҳсулотлари ҳамда бошқа истеъмол буюмларини ишлаб чиқарадиган, шунингдек, уюшма уставига зид келмайдиган бошқа фаолият билан шуғулланадиган корхона ва ташкилотлар кўнгилли равишда «Ўзбекчармпойабзали» таркибига кирди, — деди у. — Айни пайтда 115 та тери тайёрлаб етказиб берадиган, 18 та терини қайта ишлайдиган, 12 та пойабзал, 2 та чарм-атторлик маҳсулотлари корхоналари фаолият юритмоқда. Ўтган йили 25,9 млрд. сўмлик саноат, 15,5 млрд. сўмлик моллар ишлаб чиқарилди. Бу 2000 йилга нисбатан 3,2 баробар кўп демакдир. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 июндаги «2009 - 2012 йилларда чарм пойабзал саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда тайёр чарм товарлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, айтиш мумкинки, йўлимиздаги тўсиқларни олиб ташлади.

**— Хорижий инвестиция киритиш, корхоналарни модернизациялаш қай тарзда амалга оширилаётир?**

— Инвестиция жалб этиш масалалари муваффақиятли ҳал этилганлиги боис корхоналарни модернизация қилиш жадвали тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар билан келишилган ҳолда тасдиқланиб, уларнинг бажарилиши таъминланди. Ўтган йили 14 та корхонада дастурдаги лойиҳа асосида иш олиб борилиб, 14,4 млн. доллар маблағ ўзлаштирилди. Жумладан, «Иманогрупп» МЧЖда янги технологик жараён асосида чарм ишлаб чиқариш участкаси ташкил этилди. «Кентаврус ДПКС» МЧЖга чарм ишлаб чиқаришнинг замонавий технологик линияси келтирилди. Натижада 20 турдан ортиқ сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. «Граунд-бизнесмейкинг» МЧЖ ўз ҳисобидан 300 минг доллар маблағни модернизация учун сарфлади. Пировардида, ишлаб чиқариш суръати 130 фоизни ташкил этди ва 921,1 минг долларлик маҳсулот экспорт қилин-

# имконият ва истиқболлар

◇Ўзимизнинг маҳсулот◇

***Ушбу корхона ҳақида мақола ёзишга яқинда кузатганим — Урганч бозоридаги воқеа сабаб бўлди.***
***— Оғайни, мен сенга айтгандим-ку, «Даритал»дан олайлик, — деб. Мана, қарагин, шу қимматбаҳо туфли билан ўзимизникининг ўртасида фарқ борми?***
***Йигирма ёшлардаги йигит ўртоғига жон-жаҳди билан тушунтиришга уринарди. Ахийри, ўртоғини кўндирди.***

## Ҳам сифатли, ҳам арзон

— Тўғри айтасан, нега энди 30-40 минг сўмга сифатли ва замонавий туфли олиш имкони турганда, 70 минг сўмлигига ёпишиш керак. Ўзи талаба бўлсак...

— Бунинг яна бир жиҳати бор, — гапида давом этди йигит: — «Даритал»да ишлаб чиқарилган маҳсулотни харид қилиш орқали биз ватанпарварлигимизни ҳам намоён қиламиз. Ахир, бу иқтисодиётимизнинг ривожига озми-кўпми улуш қўшиш-ку!

Унинг гапи атрофдагиларга ҳам маъқул тушди.

Дарҳақиқат, бозорларимизга «Darital Shoes» корхонаси маҳсулотлари дадил кириб келаётгани қувонарли.

— Биз корхонани қайта ишга тушириш юзасидан изланаётганимизда, сифат масаласига алоҳида эътибор қаратганмиз, — дейди МЧЖ раҳбари Рўзибой Абдуллаев. — Ходимларимиздан буни ҳар доим қатъий талаб қилаяпмиз. Ана шу талаб қисқа даврда корхона довруғини қайта тиклашга сабаб бўлди.

Бир пайтлари самарали фаолият кўрсатган «Darital» корхонаси Германиядан замонавий асбоб-ускуналар келтирилганлигига қарамасдан, айрим муаммолар туфайли банкротликка юз тутганди. Хоразмлик ишбилармонлар замон талабларидан келиб чиқиб, ушбу корхонани қайта ташкил қилишга аҳд қилдилар. Банкротликдан сўнг «Миллий банк» тасарруфига ўтган, қиймати икки миллиард сўмдан зиёдга баҳоланган корхонани айни пайтда мамлакатимиз иқтисодиётида ўз ўрнига эга бўлаётган «Kottontex» қўшма корхонаси оёққа турғазишга бел боғлади. Амалга оширилган қатор чора-тадбирлардан сўнг ўтган йил июн ойида «Darital Shoes»да яна пойабзаллар ишлаб чиқарила бошланди.

Ҳозирги кунда 50 нафар ишчи-хизматчи жонбозлик билан меҳнат қилмоқда.

Корхона йилига 100 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш қувватига эга. Таъсисчилар ва жамоа ҳамжиҳатликда айни пайтда унинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш юзасидан қатъий режа асосида иш кўрмоқда. Ишлаб чиқариш жиҳозларини таъмирлаш, ишга шай ҳолатга келтириш, хом ашё манбаини яратиш ишлари билан бирга, бинони таъмирлаш, сув, электр энергияси, газ таъминотини яхшилаш чоралари ҳам кўрилаяпти.

Корхона фаолият бошлаганда, 9 хилда маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган эди. Изланишлар туфайли улар тури 15 тага етди. Айниқса, қишлоқ хўжалик ходимлари учун ишлаб чиқарилаётган бризент этиклар кўпчиликнинг эътиборини тортди.

— Фермерларимиз ҳамда кўплаб ишчиларимиз «Darital Shoes» пойабзалларидан фойдаланмоқда, — дейди Шовот туманидаги К.Отаниёзов ММТП раиси Жўрабек Сапоев. — Бу этиклар менга ҳам ёкди. Боиси, улар қулай, сифатли ҳамда арзон.



Ота-оналарнинг аксарияти фарзандларига «Darital Shoes»да ишлаб чиқарилган туфли ва этикчалар олиб беришмоқда.

— Ўғлимга ҳеч оёқ кийими етказиб беролмасдим, — дейди урганчлик Манзура Ўрозбоева. — Асил пойабзаллар қиммат. Арзони эса бир ҳафтадан ошмайди. Бу маҳсулотнинг ўзимизда ишлаб чиқарила бошлангани ҳамда уларнинг пишиқ-пухталиги бизга жуда маъқул.

— Дастлабки муваффақиятларимизни таъминлашда Гулчеҳра Бобожонова, Лайло Абдукаримова, Алишер Қурбонов, Зокир Хўжаниёзов, Баҳром Матёқубов, Жуманазар Мадаминов, Зулфия Ниёзметова, Озод Рўзматов, Қувондиқ Ҳусаинов, Мурод Бобожонов каби илғор ходимларимизнинг муносиб улуши бор, — дейди МЧЖ раҳбарининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Бекмамат Бобожонов. — Жамоадошларимизнинг фаоллиги туфайли, ўтган йили 300 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик.

Раҳбарият ишчи-хизматчилар учун меҳнат ва дам олиш чораларини ҳам кўрмоқда. Янгиланиш жараёнида эса ҳамма бирдек иштирок этаётир.

— Биз энди йўлга чиқдик, — дейди раҳбар. — Режаларимиз катта. Жамоадошларимизнинг кайфияти кўтаринкилиги, ҳар бирининг қалбида ижодкорлик туйғуси жўш ураётгани янги муваффақиятлар сари етакламоқда. Ҳар куни ходимлар билан суҳбатлашиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан танишиб борамиз. Ўз навбатида, ишчи-хизматчиларимиз бозорларимизга кириб келаётган оёқ кийимлар, харидорлар хоҳиши, талаби билан мунтазам қизиқишмоқда. Интернет тармоғига уланган компютерларимиз кўмагида эса бу борадаги дунёда бўлаётган янгиликлар билан танишиб, илғор тажрибаларни ўзимизга татбиқ этишга ҳаракат қилаяпмиз.

Корхона аҳли аёллар учун оёқ кийимлар ишлаб чиқариш бўйича ҳам изланмоқда. Шунингдек, турли кўргазмаларда, тендерларда ҳам фаол иштирок этаётир. Бу эса ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга замин яратаяпти. Натижада, маҳсулотлари бошқа вилоятларга ҳам кириб бораётир.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**



# ПОРЛОҚ

ди. «Фаровон шуз» МЧЖда аёлларнинг мавсумий пойабзали ва пойабзалнинг таг қисмини ишлаб чиқарувчи янги участка ташкил этилди. «Пойабзалчи» АЖга янги агрегатлар линияси олиб келиниб, монтаж ишлари бажарилди. Лойиҳани амалга ошириш учун 450 минг доллар маблағ кетди. Бу айни вақтда спортчилар пойабзали билан бирга, махсус пойабзаллар ишлаб чиқариш имконига эга бўлганимизни билдиради. Сирдарё вилоятида ҳам чарм пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона қурилиши давом этаяпти. У жорий йилнинг иккинчи ярмида ишга туширилиб, 400 кишининг ишли бўлиши кўзда тутилмоқда. Бунинг учун 9 млн. 253 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди.

2000 йилда банкротлик ҳолатига тушиб қолган 7 та терини қайта ишлаш ва пойабзал ишлаб чиқариш корхоналари 2008-2009 йилларда 12 млрд. сўмлик инвестиция ҳисобига қайта тикланди. «Даритал», «Алта», «Кибо» корхоналари янги инвесторга сотилди. Айни кунда улар модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан жиҳозланаяпти.

**— Кўрсаткичлар ёмон эмас, бироқ нега пойтахтнинг энг йирик «Тошкент отчопари», «Чорсу», «Қўйлиқ» бозорларида сиз эътироф этган корхоналарнинг маҳсулотлари кўринмайди?**

— Боя айтганимдек, муаммолар йўқ эмас, аммо, айтишим мумкинки, халқимиз ўзимизнинг ҳам сифатли, ҳам бежирим оёқ кийимларини талашиб оладиган кунлар узоқ эмас. Қолаверса, импорт эмас, экспортни кўпайтириш ниятидамиз. Бунинг учун бизга яна озроқ вақт керак. Ҳозир эса вилоятларда уюшма таркибидаги корхоналарнинг 40 га яқин дўкони бўлиб, маҳсулотларимиз сотуви кенг йўлга қўйилган. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида Андижон вилоятининг 9 та туманида 18 та ана шундай дўкон иш бошлади.

**— Экспорт ҳақида гапирдингиз, бу борада имконият қандай? Масалан, қайси давлатлар билан ҳамкорлик қилинаяпти?**

— 2000 йилда бу ҳақда фақат орзу қилиш мумкин эди. 2009 йилда эса Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Испания, Италияга 8,4 млн. доллар миқдорида маҳсулот экспорт қилинди. Ўзбек чармига келадиган бўлсак, у дунёдаги энг яхши ва пишиқ маҳсулотлардан саналади.

**— Режалар қандай?**

— Бу йил 19 та корхонага 15 млн. доллар миқдорида инвестиция киритиш мўлжалланган. Жумладан, «Косонсой ал-Азиз» МЧЖда пойабзал ишлаб чиқариш технологик линиясини модернизация қилиш режаси ишлаб чиқилди. Хусусан, болалар пойабзали ишлаб чиқарувчи цех деярли янгиланади. «Tradewell international»да 300 минг АҚШ доллари миқдорида модернизация ишлари давом эттирилади. «Кўнчи» АЖ банкротлик тамойили қўлланиши муносабати билан «Агробанк» балансига ўтказилганди. Банк раҳбарияти билан бамаслаҳат инвестиция жалб этиш ёки мулкдорларга сотиш тадбири ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. «Иманогрупп» қўшма корхонасининг пойабзал цехини модернизация қилишга доир лойиҳа тайёрланмоқда. Қўқонда болалар оёқ кийими ишлаб чиқарадиган ўзбек-хитой қўшма корхонаси ишга тушиш арафасида. Четдан олиб келинадиган хом ашёни камайтириш мақсадида соҳа учун зарур 50 дан ортиқ материални шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада, ҳар йили 4-5 млн. доллар тежаб қолинадиган бўлди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти билан ҳамкорликда «Пойабзал дизайн» марказини ташкил этиш ниятидамиз.

**— Замонанинг зайли билан касаначиликка эътибор кучайди. Бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.**

— Тизимда меҳнат шартномасига кўра касаначиликка жиддий эътибор берилаётир. Жумладан, бу йил 50 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган, шундан 10 киши аллақачон фаолият бошлаган.

**— Соҳа меҳнат аҳлига яратилаётган шароитлар, жамоада касаба уюшмасининг роли ҳақида нима дея оласиз?**

— Касаба уюшма ташкилотлари меҳнаткашнинг суянган тоғидир. Келишув ва жамоа шартномаларида ходимларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари тўла кафолатланган. Ҳар бир корхонада қулай меҳнат шароити яратилган. 2009 йили бунинг учун 120 млн. сўм, 400 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. Шунингдек, ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишга 9,5 млн. сўм сарфланди. Йирик корхоналарда бепул иссиқ овқат, йўл ҳақи, қишки мавсумга сабзавотлар сотиб олиш имконияти мавжуд. Ўтган йили 11 кишининг саломатлигини тиклаш учун 3,1 млн. сўм ишлатилди.

Бундан кейин ҳам ташаббус ва омилкорлик билан ҳаракат қиламиз деган ниятдамиз.

**Шарофат ИСКАНДАРОВА**
**суҳбатлашди**

Мутахассис фикри

***Халқаро энергетика агентлигининг маълумотига кўра, бугунги кунда Европа Иттифоқи дунё табиий газ захираларининг 3,5-12 фоизини ташкил қилади. Бу кўрсаткич истеъмолга нисбатан жуда камдир. Европага газ етказиб беришнинг мақбул йўли сифатида эътироф этилаётган «Набукко» лойиҳасини газ манбалари билан таъминлаш юзасидан келишувларга эришиш, бошқа лойиҳалар қатори ушбу газ қувурларини ишга тушириш масаласи ЕИ учун долзарблигича қолмоқда.***

## «Набукко» лойиҳасининг келажаги борми?

Европага газ етказиб бериш мақсадида 2007 йил 25 июнда ЕИ энергетика бўйича вакили А.Пиебалгс ҳамда Туркия, Болгария, Руминия, Венгрия ва Австрия энергетика вазирлари ўртасида «Набукко» газ қувури лойиҳаси қабул қилинган эди. Ўтган йилнинг 13 июлида Анқарада юқоридаги давлатлар ҳукумат бошлиқлари иштирокида мазкур лойиҳани амалга татбиқ қилиш бўйича шартнома имзоланди. Лойиҳага кўра, Каспий ҳавзаси ва Озарбойжондан Туркия орқали марказий Европа давлатларига газ қувури тортиш мўлжалланган бўлиб, йилига 31 млрд $м^3$ гача газ етказиш кўзда тутилган. Газ қувурларининг умумий узунлиги 3,3 минг км.ни ташкил қилиб, қиймати 7,9 млрд. евро миқдорида баҳоланган.

Лойиҳани амалга ошириш бўйича маблағлар Австриянинг «OMV», Венгриянинг «MOL», Болгариянинг «Bulgargaz», Туркиянинг «Botaz» ва Германиянинг «RWE» компаниялари ўртасида 16,67 фоиздан тенг тақсимланган. 2009 йилнинг 12 ноябрида эса Франциянинг GDF компанияси ҳам акционер сифатида лойиҳага қўшилгач, газ қувурлари қурилиши бошланиши янги режага кўра, 2011 йилга, фойдаланишга топшириш эса 2014 йилга мўлжалланган.

Бугунги кунда лойиҳа бўйича қурилиш бошлашга тўсиқ бўлиб келаётган асосий масала газ манбаларини таъминлаш юзасидан ҳалигача тўлиқ келишувларнинг йўқлигидир. Ҳозирга қадар газ етказиб бериш бўйича ҳозирда Озарбойжон, Ироқ ва Миср билан шартнома имзоланган холос.

Туркманистон ва Эронни лойиҳага жалб қилиш юқори самара беришига умид боғланмоқда. Чунки Англиянинг BP компанияси маълумотига кўра, Туркманистонда 7,94 триллион $м^3$, яъни дунё газ захирасининг 4,3 фоизи бўлгани ҳолда, Эронда эса бу кўрсаткич 29,61 триллион $м^3$ ни ташкил қилади.

Туркманистон ҳукумати лойиҳага қўшилмаганлигига Россия билан газ етказиб бериш бўйича узоқ муддатли шартнома ҳамда Хитой билан йилига 40 млрд. $м^3$ газ етказиб бериш бўйича қурилиши бошланган газ қувурларини асос қилиб кўрсатмоқда.

Расмий Теҳрон лойиҳага розилик билдирган бўлса-да, ядровий дастурларни амалга оширишни бошлаганлиги туфайли, АҚШ ва айрим Европа давлатларининг қаршилиги туфайли Эрон билан ҳамкорлик қилинмаяпти.

ЕИ газ етказиб бериш учун Россия ва айрим Европа давлатлари томонидан ишлаб чиқилган бошқа лойиҳалар юзасидан олиб борилаётган ишлар «Набукко»нинг самарасизлигига таъсир ўтказмоқда. Мисол учун, Россия ва Германия ўртасида 2005 йилдаги келишувга мувофиқ, Болтиқ денгизи орқали «Шимолий йўналиш» лойиҳасини қуриш бошланган. Ушбу газ қувурининг узунлиги 1200 км.ни ташкил қилиб, йилига 55 млрд. $м^3$ газ етказиб бериш қувватига эга лойиҳа нархи 7,4 млрд. еврони ташкил қилиб, газ қувурини ишга тушириш 2011 йилга режалаштирилган.

Шу билан бирга, 2007 йил 23 июндаги Россиянинг «Газпром» ва Италиянинг «Eni» компаниялари ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ, Қора денгиз тубидан Болгариянинг Варна портлари орқали марказий Европа ва Италиягача бўлган умумий қиймати 8,6 млрд. евродан иборат «Жанубий йўналиш» газ қувурини қуриш режалаштирилган. Шартномага мувофиқ, қурилиш ишлари 2015 йилда бошланиши кўзда тутилган. Ушбу қувур орқали йилига 63 млрд. $м^3$ газ етказиб бериш мумкин.

Бундан ташқари, 2007 йилда ГУАМ ташкилоти доирасида Украина томонидан таклиф қилинган «Оқ йўналиш» газ қувури ҳам эътиборга лойиқ. Ушбу лойиҳага кўра, Каспий денгизи ҳамда Озарбойжондаги газ конларидан фойдаланиш кўзда тутилган бўлиб, Грузия ва Қора денгиз тубидан Украина орқали Европага газ қувури ўтказиш режалаштирилган бўлиб, ушбу қувурлар дастлаб йилига 8 млрд. $м^3$, кейинроқ 24 млрд. $м^3$ газ ўтказиш имкониятига эга.

Бугунги кунда «Набукко» лойиҳасини амалга ошириш учун Европа давлатлари ва Туркия томонидан ҳаракатлар тўхтамаган бўлса-да, газ манбаларидан ташқари, ҳал қилиниши керак бўлган сиёсий масалалар ҳам бор.

Биринчидан, Каспий денгизининг ҳуқуқий мақоми, яъни ҳозирда Каспий денгизининг қирғоқ ва сув ҳудудининг бўлиниши бўйича тортишувлар давом этаётганлиги ҳамда сув чегараларининг йўқлиги.

Иккинчидан, Ироқ ва Афғонистондаги нотинч сиёсий вазият ва ҳарбий ҳаракатлар. Шу билан бирга, Эрон ва унинг ядро дастури атрофида бўлаётган жараёнлар.

Учинчидан, Туркиянинг Европа давлатларига интеграциялашуви ва кейинчалик ЕИга аъзо бўлиш даъвосининг кучайиши.

Тўртинчидан, лойиҳанинг молиявий баҳоси энг кам миқдорда баҳоланганлиги. Айрим тадқиқотчилар лойиҳанинг баҳоси 10 млрд. евродан ошиб кетишини таъкидламоқда, чунки қувур ётқизиладиган ҳудудлар асосан ноқулай тоғли ва денгиз тубларидан ўтказилади. Бу эса ўз навбатида кўп маблағ талаб қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, «Набукко» лойиҳасини молиялаштириш муаммолигича қолмоқда. Қолаверса, газ манбалари таъминлаш юзасидан ҳалигача тўлиқ келишувга эришилмаганлиги ҳамда «Набукко»дан ташқари Россия ва айрим Европа давлатлари томонидан бошқа лойиҳалар олдинга сурилаётганлиги ҳам масала ечимини чигаллаштирмоқда. Шуларни инобатга олиб, яқин келажакда Европага газ етказиб бериш Россия билан келишган ҳолда Украина ҳудудида олдиндан мавжуд газ қувурлари орқали таъминланади, деб айтиш мумкин.

**Э. МАХМУДОВ,**
**тадқиқотчи**

